ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИ — ЖАНГОВАР ПРОГРАММАМИЗ

БИРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ТЎҒРИ ЙЎЛИ

Ҳозирги замон шароитида жаҳондаги воқеаларнинг ривожланиши социализм ва тинчлик иши учун қулай йўлдан бормоқда. Социалистик системанинг қудрати мустаҳкамланмоқда, халқаро майдонда унинг обрўси ва таъсири ўсиб бормоқда. Миллий озодлик ҳаракати юксалганлиги натижасида жуда кўп ёш давлатлар вужудга келди, бу давлатларнинг кўплари нокапиталистик ривожланиш йўлини тутмоқдалар. Капитал мамлакатларида синфий кураш кенгайиб бормоқда. Тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашувчиларнинг ўсиб бораётган фронтига тобора янги кучлар қўшилмоқда.

Лекин империализм ўз позицияларини курашсиз топширмайди. Жаҳон реакцияси ва унинг асосий таянчи бўлган Америка империализми гоҳ бир районда, гоҳ бошқа районда хатарли можаролар ўчоғини ёндиришга уринмоқда, вазиятни кескинлаштиришга интилмоқда, агрессив ҳаракатлар қилмоқда. Империалистлар социализм мамлакатларига, ёш мустақил давлатларга, халқларнинг революцион ҳаракатига қарши қаратилган ўзларининг ҳаракатларини айниқса авж олдирмоқдалар.

АҚШнинг ҳукмрон доиралари Жанубий Вьетнамдаги харбий интервенцияни кучайтирмоқдалар, солдатларни, реактив бомбардимончи самолетларни, харбий денгиз флотини аҳолига қарши курашга ташламоқдалар, газлар ишлатмоқдалар. Америка харбийлари Вьетнам Демократик Республикасини ваҳшийларча бомбардимон қилмоқда. Лаосга ва Камбоджага бандитларча ҳужумлар қилмоқдалар. Кубага қарши қилинаётган игволар тўхтатилмаётир. Шимолий атлантик блокининг агрессив корчалонлари ғарбий герман реваншчиларига атом қуроли олиб борадиган йўлни очиб беришга уринмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси халқаро вазиятни кескинлаштирмоқда, ялпи тинчликни хавф остида қолдирмоқда.

Империализмга қарши, унинг агрессив интилишларига қарши ҳозирги замон шароитида муваффақиятли кураш олиб бормоқ учун барча революцион кучларнинг жипслиги алоҳида аҳамият касб қилмоқда. Жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлиги, барча социалистик мамлакатларнинг бирдамлиги бундай жипслашишнинг зарур негизидир. Шу нарса ҳеч кимга сир эмаски, жаҳон коммунистик ҳаракатидаги, социалистик ҳамдўстликдаги мавжуд келишмовчиликлардан империалистлар ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга уринмоқдалар. Коммунистик ҳаракатдаги ихтилофлар бу ҳаракатнинг жипслигини бўшаштириб, жаҳон озодлик ҳаракати ишига, коммунизм ишига зарар етказмоқда. Барча антиимпериалистик кучларнинг, барча озодлик ва тараққиёт кучларининг бирлиги — империализмнинг агрессив режаларини барбод қилишнинг, ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлашнинг, социалистик система қудратини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлашнинг энг тўғри воситасидир.

Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг март ойи бошида Москвада бўлиб ўтган Маслаҳат учрашуви жаҳон коммунистик ҳаракатининг ҳаётида катта воқеа бўлди. Учрашув қатнашчилари империалистик агрессияга қарши, миллий мустақиллик учун, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун актив курашда қилинаётган ҳаракатларни бирлаштиришга, бутун дунё коммунистларининг бирдамлигига, ҳаракатимизнинг буюк идеаллари йўлида барча коммунистларни жипслаштиришга интилиб иш олиб бордилар.

Ленин яратган ва вояга етказган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тинчлик ва тараққиёт кучларини жипслаштирмоқ учун, жаҳон коммунизми сафларининг бирлиги учун ҳамиша курашиб келди ва бундан буён ҳам бутун куч ва ғайратни сарфлаб кураша беради. Совет коммунистлари бу мақсадга эришмоқ учун ўзларининг куч ва ғайратларини аямасликка тайёр эканликлари Маслаҳат учрашувининг якунлари тўғрисида КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1965 йил 26 мартда қабул қилинган Қарорида ўз ифодасини топди. Пленум учрашувнинг ҳужжатларини — Ахборотни ва Вьетнамдаги воқеалар тўғрисидаги Баёнотни, шунингдек КПСС делегациясининг фаолиятини тўла равишда маъқуллади.

Пленум, Маслаҳат учрашуви империализмга ва мустамлакачиликка қарши, миллий озодлик учун, тинчлик, демократия ва социализм учун кураш мақсадида жаҳон коммунистик ҳаракатини жипслаштириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди, деб ҳисоблайди. Учрашувнинг якунлари шуни кўрсатиб турибдики, бу учрашувда қатнашган коммунистик партиялар — марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми асосида, 1957 йилги Декларацияда ва 1960 йилги Баёнотда белгилаб берилган йўл асосида халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамламоқ учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришга маҳкам бел боғлаганлар.

Ҳар бир коммунистик партиянинг ўз интернационал масъулиятини ошириш, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши ялпи кураш, халқларнинг озодлик курашини қувватлаш, монополистик капитал ҳукмронлигига қарши, ялпи тинчлик учун ҳамда турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципларини барқарор қилиш учун, социализм ва коммунизм иши учун кураш соҳасида биргаликда қилинаётган ҳаракатларда актив қатнашиш — бирликни мустаҳкамлашнинг асосий йўлидир. Маслаҳат учрашуви қатнашчиларининг фикри — мана шу. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шу фикрга ўзининг тўла равишда қўшилганлигини билдирди.

Америка империализми Вьетнамда разил игвогарлик ҳаракатлари қилаётган ҳозирги вақтда жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги коммунистик партияларнинг, барча тинчликсевар ва демократик кучларнинг бир ёқадан бош чиқариб, агрессияга зарба бериш, Вьетнам халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган мардонавор ва қаҳрамонона курашини қувватлаш, социалистик мамлакат бўлган Вьетнам Демократик Республикасини ҳимоя қилиш йўлида биргаликда ҳаракат қилиш биринчи аҳамиятга эга иш бўлиб қолмоқда. Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган КПСС, Совет ҳукумати, бутун халқимиз қардош Вьетнам халқининг адолатли курашига, Вьетнам Демократик Республикасининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам ва мадад бериб турибди. Пленум бутун партиянинг, бутун совет халқининг фикрини ифодалаб, бу йўлда КПСС Марказий Комитети Президиумининг Вьетнам Меҳнаткашлар партияси раҳбарлиги билан келишиб, кўрган чораларини тўла равишда маъқуллади.

Бизнинг партиямиз Маслаҳат учрашувининг Ахборотида айтилган фикрлар ва мулоҳазаларга тўла равишда қўшилади. Партиямиз жипслигини мустаҳкамлаш йўллари тўғрисида барча партияларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги ва барча партияларнинг фикрларини ўзаро ҳурматлаш шароитида учрашув қатнашчилари ишлаб чиққан таклифларни қўллаб-қувватлайди. Бу таклифлар ялпи мақсад учун курашда биргаликда ҳаракатлар қилишни партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшиламоқ учун коллектив куч ва ғайрат сарфлашни, икки томонлама ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиб туришни ва партиявий алоқаларнинг бошқа формаларидан фойдаланишни, ўртоқларча бўлмаган шакллардаги бир-бирига ҳужумлар қилишдан иборат очиқ мунозарани тўхтатишни ҳозирги замон проблемалари тўғрисида ўртоқлик формасида фикрлашувлар ўтказишни, партиялар ўртасидаги муносабатларнинг 1957 ва 1960 йиллардаги Кенгашлар белгилаб берган нормаларга қатъий риоя қилишни кўзда тутади. Қардош партияларнинг янги халқаро кенгашига актив тайёргарлик кўриш ва уни қулай келган вақтда ўтказиш жаҳон коммунистик ҳаракатининг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Бизнинг партиямиз социалистик мамлакатлар билан қардошларча дўстликни ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг жипслигини мустаҳкамлаш йўлида конкрет чора ва тадбирларни изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Октябрь Пленумидан кейин барча коммунистик ва ишчи партиялар билан алоқаларни ва ҳамкорликни янада ривожлантирмоқ учун бир қанча муҳим чоралар кўрилди, бу чораларни Марказий Комитетнинг бўлиб ўтган Пленуми маъқуллади. А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет ҳукумат делегацияси Вьетнам Демократик Республикасига ва Корея Халқ Демократик Республикасига бориб келди, яқин фурсатда ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси расмий визит билан Польшага боради, ўртоқ А. И. Микоян бошчилигидаги делегация эса Венгрия озод қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда қатнашади. Кейинги ойларда кўпгина қардош партияларнинг делегацияларини билан учрашувлар ва музокаралар бўлиб ўтди.

«КПСС, — деб таъкидланади Пленумнинг қарорида, — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасида, Москва Кенгашларининг Декларацияси ва Баёнотида ифода этилган ленинча йўлни бундан буён ҳам оғишмай ўтказа беради, марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принципларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаверади ҳамда бошқа компартиялар билан биргаликда империализмга ва мустамлакачиликка қарши, миллий озодлик учун, тинчлик, демократия ва социализм учун қурашда барча социалистик мамлакатларни, барча марксчи-ленинчи партияларни, ҳозирги замоннинг барча революцион кучларини жипслаштиришга ҳаракат қилаверади».

Коммунистик ҳаракатдаги мушкулликларни бартараф қилиш йўлида, унинг сафлари бирлигини мустаҳкамлаш йўлида амалий чоралар кўриш зарурлигини турмушнинг ўзи талаб этмоқда. Социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва бирдамлиги, коммунистик ва ишчи партияларнинг интернационал жипслиги марксизм-ленинизм тантанаси учун, мустаҳкам ва узоқ давом қиладиган тинчлик учун, меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун қурашда янги ғалабалар йўлини очиб берадиган калитдир.

(«ПРАВДА» газетаси, 1965 йил 29 март).

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 62 (3034). | Сешанба, 30 март 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЧОРВАДОРЛАР АҲДИ

Етти йилликнинг сўнгги йилида катта муваффақиятларни қўлга киритиш учун курашаётган Калинин районидаги Навоий номли колхоз чорвадорлари дастлабки ютуқларга эришдилар. Улар давлатга 20 тонна семиз гўшт сотиб, йиллик планни 70 процент адо этдилар. Ҳозирда 16 та қорамол бўрдоқига боқилмоқда. Эргаш Шабобоев, Ботир Гулшанов каби молбоқарлар бўрдоқига боқаётган моллар этига-эт қўшмоқда. Чорвадорлар тез кунда яна 11 тонна гўштни давлатга сотиб, йиллик планни иккинчи квартал ичи бажаришга аҳд қилишган.

Колхоз паррандачилари ҳам бўрдоқичилардан қолишмаётирлар. Улар ҳам қўлни-қўлга бериб, 1800 бош товуқдан 54 минг дона тухум олиб, сентябрь ойи ҳисобига тухум топширмоқдалар. Товуқбоқар Клави ва Николай Дививилар йиллик план — 81 минг дона тухумни яна бир-икки ойда бажариш ва пландан ташқари бир неча минг дона тухум топшириш учун курашмоқдалар.

Сут-товар фермасида ҳам иш қизғин. Колхознинг аъзамат сут соғувчилари квартал планини муддатидан илгари адо этдилар. Колхоз бу кварталда давлатга 83 тонна ўрнига 101 тонна сут сотдилар. Улар яна квартал охиригача 10 тонна сут соғиб давлатга топшириш учун курашмоқдалар.

Таскира Кириева, Назира Расулева, Назми Исломова каби ферманинг илғор сут соғувчилари ҳозирда апрель, май ойлари учун сут топширмоқдалар.

Колхоз бу йил жами 225 бош соғин сигирдан 410 тонна сут соғиб давлатга топшириш мажбуриятини олган. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларидан, руҳланган чорвадорлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун курашмоқдалар.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
И. РУСТАМОВ.



Шу кунларда Калинин районидаги «Октябрь» колхозининг аъзолари КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Хўжалигининг қайси участкасига борманг, Пленум қарорларидан руҳланиб, далада шижоатли меҳнат қилаётган колхозчиларни учратасиз. Улар қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини яна ҳам ошириш ҳақида партия ва ҳукуматимиз амалга ошираётган тадбирларни чин қалбдан маъқуллашаяпти.

Колхозчилар қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун катта ишларга бел боғламоқдалар. «Хўжалигимизнинг иқтисодий қувватини ошириш билан март Пленуми қарорларининг муваффақиятли бажарилишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз!» «Октябрь» колхози аъзоларининг шу кунги мақсади ана шундай. Суратда: агитатор Холтой Носиров деҳқонларни КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми материаллари билан таништирмоқда.

А. ТУРАЕВ фотоси.

ТЕХНИКА — ҚУДРАТЛИ КУЧ

Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг аъзамат сабзавотчилари етти йиллик-нинг сўнгги йилида зиммаларига оширилган мажбурият олиб меҳнат қилишаяпти. Колхозда 1073 гектар ер бўлиб, шундан бу йил 826 гектарига пахта, картошка ва турли сабзавот, полиз экинлари экилади. Қолган майдонларни эса бог ва узумзорлар ташкил этади. Меҳнатсевар сабзавоткорлар мавсумда 100 гектар ердан 12 тоннадан картошка, 224 гектар ерга сабзавот экинлари экиб, гектар бошига 25 тоннадан карам, 15 тоннадан пиёз, 22 тоннадан қовун-тарвуз ҳосили етиштириш учун курашишаяпти. Колхоз пахтакорларининг ҳам аҳдлари катта. Улар бу йил кузда ҳар гектардан камида 30 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиб-териб олишга енг шимаришган.

Хўжаликда кўклам дала ишларига айниқса жиддий эътибор бериляпти. Чигит экиладиган майдонлар мавсум олдидан сифатли ишланаяпти. Ерлар бороналаниб, чизелланиб бегона ўт илдизларидан тозаланаяпти. Ўғитлар юмшатилиб, карталар текисланмоқда. Бу сингари ишлар ҳозир тугалланиш арафасида. Колхоз техникаси ҳам экишга тўла шай қилиб қўйилибди. Апрель ойи кириши билан кенг пайкалларда экиш агрегатлари баралла гуриллай бошлайди.

Шу кукларда колхозда эртаги сабзавот экиш ишлари охирлаб қолди. Гектарига 500 килограммдан суперфосфат сепилиб, 130 гектарлик бедапоя сифатли борона қилинди. Колхоз қарияларидан ташкил топган бригада аъзолари бог ва узумзорларда баҳор мавсуми ишларц олиб бормоқдалар.

Хўжаликда ҳар бир янгилик изчиллик билан амалга ошириб келинаяпти. Бултур колхозда бир қанча звенолар тузилиб механизациялашган эди. Улар хўжалик ҳисобида иш олиб бордилар. Бу тадбир ишлаб чиқариш маданиятини бир мунча яхшилади. Шомирза Шосодиқов, Насиб Ғуломов, Баҳром Исмоилов ва Шомансур Шоназаров ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари ўтган хўжалик йилини меҳнатда ажойиб ютуқлар билан якунладилар. Барча сабзавот экинларидан юқори ҳосил етиштирдилар.

Колхозда бу йил бутунлай звено принципида ишлашга кўчилди. Механизациялашган звеноларнинг умумий сони 35 тага етказилди. Демак бу йил хўжаликда мавжуд техникадан самарали фойдаланиш учун янада кенг йўл очиб берилган. Бу шубҳасиз, 1965 хўжалик йилининг ҳам муваффақиятли якунланишидан дарак бермоқда. Ҳозир колхозчилар янада баланд рих билан меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг янги истиқболларини белгилаб берди.

М. УСМОНОВА.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ғоят муҳим масалани: қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги энг зарур тадбирларни муҳокама қилди. Пленум қарори ҳаётий масала, бундан сўнгги ишларимиз программасидир. Ўрта Чирчиқдаги Калинин номли колхоз деҳқонлари илғор тажрибаларни ўз хўжаликларига изчиллик билан жорий қилаётганликлари учун ҳам йил сайин яхшироқ кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Масалан, ер текислашни олиб кўрайлик. Агар ҳозирги ғаниматдамларда бу иш қўл билан бажарилганида эди, ҳам кўп вақт кетарди, ҳам кўп ишчи кучи сарф бўларди. Калинин номли колхозда ерлар турли механизмлар ёрдами билан текисланаяпти. Бу ишда механизаторлар Э. Турсунбоев, Х. Зарипов ўртоқлар бошқаларга намуна кўрсатишмоқда. Колхозчилар ер намини сақлаб қолиш учун об-тобида борона қилаяптилар. Тупроқни майин қилиб юшатишда Т. Усмонов, Т. Умаров сингари механизаторлар механизаторлар сидқидилик билан ишлашаяпти. Уларнинг ҳар бири кунига 11-12 гектар ерни бороналаб, чизеллаяпти.

Колхозимиз Ш. Мамбетов, Хон Ген Чен, А. Оқбоев, Дон Бен Чер ўртоқлар раҳбарлик қилаётган участкаларида бегона ўт илдизлари йиғиб-териб олинаяпти.

Хўжаликда мавжуд 21 та чигит экиш агрегати мавсумга шай бўлиб турибди.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КАБЕЛЧИЛАРНИНГ АЖОЙИБ ТАШАББУСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Ташкентнабель» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ҳамда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Область, шаҳар, район партия комитетларига Тошкент кабелчиларининг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш юзасидан актив ташкилотчилик ишлари олиб бориш, саноат, транспорт, алоқа корхоналари, бинокорлик ташкилотлари коллективлари ўртасида юксак техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришиш учун, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг аъло сифати учун, ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан яхшироқ фойдаланиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш таклиф этилди.

Республика газета ва журналларининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетига республика меҳнаткашларининг Улуғ Октябрь 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақаларини кенг ёритиш топширилди.

(Социалистик мажбурият газетамизнинг иккинчи саҳифасида босилган).

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДА ТАЪСИРЧАН МЕТОД

Улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин бизнинг жамиятимизда социалистик мусобақанинг моҳияти, ролига жуда катта баҳо бериб, уни коммунистик қурилишнинг таъсирчан методидир деган эди. У мусобақанинг асосий принциплари деб, унинг ошкорлиги, иш натижаларини чоғиштирнб кўриш мумкинлиги ҳамда энг яхши тажрибаларни кенг ёйиш имкониятини назарда тутган эди.

Экономика ва маданиятнинг юксалиши юзасидан белгиланган улуғвор программаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, ҳарбир коллектив, ҳарбир ишчи зиммасидаги вазифаларнинг бекамкўст ва ортиги билан адо этилиши, техника прогрессини тезлаштириш, корхоналар ишлаб чиқариш қувватларининг ортишида бу ватанпарварлик ҳаракати, айниқса унинг олий формаси бўлган коммунистик меҳнат учун курашнинг аҳамияти, роли беқиёсдир. Ҳеч муболагасиз шуни айтиш мумкинки, халқ хўжалигини ривожлантириш, мамлакатимиз куч-қудратини, халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида кўлга киритилаётган ютуқларнинг ҳаммаси асосан шу мусобақа туфайлидир. Ишчилар, бинокорлар, деҳқонлар ижодий фикри ва ташаббусини, куч-ғайрати ва билимини ҳарбир коллектив олдида турган масъулиятли вазифаларнинг муваффақиятли адо этилишига сафарбар этувчи, уларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлигини оширувчи, уларда келажак кишисига хос олижаноб хусусиятларни вужудга келтирувчи қудратли восита ҳам мусобақадир.

Областимиздаги аксарият корхоналар ва ташкилотлар маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари социалистик мусобақанинг шундай юксак моҳиятини чуқур англаган ҳолда унинг оммавийлиги, ҳаётий бўлишини таъминлаб, бу ватанпарварлик ҳаракатида барчанинг актив иштирок этишига муваффақ бўлишяпти. Улар коммунистик меҳнат учун курашни пухта ташкил этишяпти. Бу муҳим масала билан муттасил шуғулланиб, мусобақа жараёнида юзага келган ижодий фикр ва прогрессив ҳаракатларни қўллаб-қувватлашяпти, ҳарбир ишчи, инженер-техник ходимнинг ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазаларини изчиллик билан амалга оширишяпти, илғорлар тажрибасини кенг ёйиб, бутун коллективнинг иш кўрсаткичларини яхшилашга эришишяпти. Мусобақа ғолибларини аниқлашда давлат планларининг бажарилишинигина эмас, балки зиммага олинган мажбуриятларнинг адо этилишини, маҳсулот сифати ва таннархини, коллектив аъзоларининг ҳулқ-атвори ва юриш-туришини ҳам ҳисобга олишяпти. В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия, «Ташавтомаш» заводларида, Чирчиқ электрохимия комбинати, Оҳангарондаги 9-шахта ва бошқа қатор корхоналарда худди шундай бўлаяпти.

Ўзбекистон металлургия заводи коллективининг бу соҳадаги иш тажрибаси бошқаларга ўрнак бўлади. Унинг барча цех ва участкаларида мусобақа яхши йўлга қўйилган. Цехлар, участка ва бригадалар, ишчилар бир-бирлари билан ўзаро шартномалар тузишган. Мусобақа ғолибларига кўчма Қизил байроқлар ва мукофотлар тантанали суратда, жамоатчилик иштирокида топширилади. Заводда социалистик мусобақа ғолибларининг тажрибаси бошқалар ўртасида оммалаштирилади. Бунинг учун илғор тажриба мактаблари, курслар ташкил этилган. Уларнинг машғулотларида илғорлар ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар.

Етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш, айниқса, маҳсулот сифатини ошириш, таннархини камайтириш бўйича умумхалқ ҳаракати авж олаётган ҳозирги вақтда социалистик мусобақанинг роли яна ҳам ортди. Лекин шунга қарамай, баъзи корхона, қурилиш ва транспорт ташкилотларида бу муҳим масалага етарли эътибор бериш ўрнига, хўжакўрсинғагина, шунчаки ташкил этиб, унга ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилинмайди, иккинчи даражали иш деб қаралади.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишда ҳам қатор камчиликлар бор. Шундай ҳоллар бўладики, коммунистик меҳнат коллективи ёки зарбдори деган мукаддас ном асоссиз равишда, ўйланмасдан, енгилтаклик билан, ҳар тарафлама ҳисоб-китоб қилинмасдан бериб юборилаверади. Бунда кўпинча иш кўрсаткичлари ҳисобга олинмайди-ю, лекин жуда муҳим бўлган ҳулқ-атвор, ахлоқ назарга олинмаётир.

Олмалиқдаги мебель фабрикаси, Янгийўлдаги «Нормаль» заводи, Тошкентдаги 1-ва 5-гишт заводлари бошқармалари, 1-авторемонт, резина-техника буюмлари заводларида ва бошқа корхоналарда социалистик мусобақани ташкил этишда шундай камчиликлар содир бўлаётир. «Нормаль» заводида партия, касаба союз ташкилотлари бу ҳаракатга жуда юзаки раҳбарлик қилишяпти. Цехлар, бригадалар, ишчиларнинг бир-бирлари билан мусобақаси йўлга қўйилмаган. Таъсис қилинган кўчма Қизил байроқ бир йилдан ошиқ вақтдан буён ҳеч қайси цех коллективига берилмай, чанг босиб ётипти.

Ҳамма корхоналарда социалистик мусобақанинг ҳақиқатан ҳам оммавий, қишиларни коммунистик рухда тарбияланишнинг умумхалқ мактаби бўлишига эришиш лозим. Бунинг учун жойлардаги партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари уни ҳар томонлама авж олдиришлари, расмиятчилик учунгина ташкил этмасдан унга ижодий раҳбарлик қилишлари, мусобақа қатнашчиларн қаторига янги-янги ишчиларни жалб этишлари лозим. Мусобақа иштирокчиларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш, уларнинг таҳқид ва мулоҳазаларига жиддий эътибор бериш, унумли ва сифатли ишлашлари, ўз билимлари, малакаларини оширишлари, янги-янги касбларни эгаллашлари учун барча шароитларни яратиб беришлари керак. Уларда баракали меҳнат қилиш билан бирга, ижодий изланиш, жамоат ишларида актив иштирок этишдек фазилатларни тарбиялаш зарур.

Тошкент кабель заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларн Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олишди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кабелчиларнинг бу ташаббусини тўла маъқуллади. Областимиздаги барча шаҳар ва район партия комитетлари кабелчиларимизнинг шу олижаноб ташаббусини барча ишчилар, транспортчилар ва бинокорлар ўртасида кенг ёйишлари, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришнинг техника иқтисодий кўрсаткичларини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ички имкониятлардан кенг фойдаланиш юзасидан социалистик мусобақаларини авж олдиришлари зарур.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашларининг ғайратларига ғайрат қўшди, меҳнатда янгидан-янги ғалабаларга руҳлантирди, ижодий ва яратувчилик ишларига илҳомлантирди. Меҳнаткашларнинг булоқдек мавж ураётган ғайрат ва ташаббусини, ватанпарварлик ҳаракатларини етти йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга, коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ барпо этишга сафарбар этди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Олий Советининг депутати Ҳидирали Эргашевич **Эргашев** оғир касалликдан кейин 1965 йил 29 мартда вафот этганлигини чуқур ғайғу билан маълум қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАР. ТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ТАРИХИЙ КУНЛАРНИ МУНОСИБ НИШОНЛАЙЛИК

Ижодий куч-гайратга тўлиб-тошган совет халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини ва жаҳон халқларининг гениал устози ва доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлашга тайёрланмоқда.

Совет давлатининг ярим асрлик ривожланиш тарихи — совет кишиларининг оламшумул галабалари солномасидир, жаҳонда биринчи марта социалистик жамиятни бунёд этган халқнинг қудратидан нишонадир. Эндиликда Совет Иттифоқи ер юзидаги барча халқлар учун илҳомбахш намуна бўлиб қолди.

Коммунистик партия ва совет халқи улуғ айёмларни муносиб нишонлаш учун курашиб, Ленин партиясининг XXII съездн тарихий қарорларини кўтаринки руҳ билан амалга оширмоқда, коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини бунёд этиш учун қормайтолмай меҳнат қилмоқда

«Ташкенткабель» заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи ҳам Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги ҳамда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб меҳнат совғалари тайёрламоқдалар.

Мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам «Ташкенткабель» маркаси босилган маҳсулотлар машҳур бўлиб қолди. Бу корхона маҳсулоти энергетика, алоқа, транспорт, машинасозлик, химия, металлургия, нефть, газ ва саноатнинг бошқа тармоқларида, шунингдек қурилиш ва қишлоқ хўжалигида қўлланилади.

Биз, кабелчилар электротехника саноатининг тараққиёти, шу жумладан, кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан жадалроқ ривожланиши лозимлигини яхши биламиз. Социалистик мусобақани авж олдириб, коммунистик меҳнат ҳаракатини кенг ёйиб, куч-гайратимизни ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан такомиллаштиришга, прогрессив технологияни жорий этишга, ишлаб чиқариш қувватларн ва ички резервлардан имкониятн борича тўла фойдаланишга, иқтисодий жиҳатдан энг фойдали бўлган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфламоқдамиз.

1961 йилдаёқ завод 1965 йилга мўлжалланган ишлаб чиқариш даражасига эришди, 1964 йилнинг сентябрь ойида эса етти йиллик планни бажарди. Ишлаб чиқаришнинг йил сайин ўсиш ҳажми план бўйича 5 процент бўлиши керак эди, амалда эса 12 процент бўлди. Етти йилликнинг охирига қадар планга қўшимча равишда 150 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади. Планга қўшимча тарзда икки ярим минг километр бронли кабель, 22 минг километр контроль ва 4 минг километр сигнал-блокли кабель тайёрланади.

Яқин-яқингача ҳам кабель тайёрлашдаги айрим ишлар алоҳида-алоҳида айрим агрегатларда бажариларди. Поток узлуксиз усулда маҳсулот тайёрлаш прогрессив усул эканлигини, меҳнат унумдорлиги ортишини ва маҳсулот сифати яхшиланишини эътиборга олиб инженерлар, техниклар ҳамда илғор ишчиларнинг асосий эътибори поток-автомат линияларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва жорий этишга қаратилди.

1963 йилдан буён ўтган давр ичида 11 поток-автомат ва механизациялашган линия, шу жумладан, 5 та контроль кабелларнинг «томири»ни ишлаб чиқарувчи, битта сигнал блокли кабеллар ишлаб чиқарувчи ҳамда 4 та шаҳар телефон кабеллари ишлаб чиқарувчи линиялар ишга туширилди. Бу линияларнинг ишга туширилиши меҳнат унумдорлигини икки баравар оширди ҳамда ҳар бир квадрат метр ишлаб чиқариш майдонидан тайёр маҳсулот олишни 25 процент кўпайтирди. Прокат станининг модернизация қилиниши натижасида алюминий катанкаси тайёрлаш бир неча баравар кўпайди.

Етти йиллик мобайнида янги мукаммал конструкциядаги кабель буюмлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Булар қаторига полиэтилен қопланган шаҳар телефон кабеллари киради. Бу буюмни тайёрлашда меҳнат сарфи камайди, кўргошин ишлатилмайдиган бўлди, кўп миқдорда изоляция ҳамда кабелни ташқи таъсирдан ҳимоя қилувчи материаллар иқтисод қилинди. Бундан ташқари геофизика ишларида қўлланиладиган уч «томир»ли кабеллар ҳамда уларнинг 7,5 километрга борадиган ва ҳарорат 180 градусгача кўтариладиган қудуқларда қўлланиш учун иссиққа чидамли кабеллар, одимловчи экскаваторларда ишлатиладиган оғир шланг кабеллар ва бошқа буюмлар киради.

Москва ва Ленинградликлар ташаббусига қўшилган завод коллективи корхонанинг техника даражасини кўтариш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда жаҳон стандартлари даражасида маҳсулот тайёрлаш учун тадбирлар ишлаб чиқди ва уларни изчиллик билан амалга оширмоқда.

«ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» ЗАВОДИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕРЛАРИ, ТЕХНИКЛАРИ ҲАМДА ХИЗМАТЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

<> <>

Заводда коммунистик меҳнат ҳаракати кенг авж олди. Эндиликда коммунистик меҳнат коллективи деган қутлуғ номга сазовор бўлиш учун 10 цех, 66 бригада, 35 смена курашмоқда, 2813 ишчи эса коммунистик меҳнат зарбдори деган номга сазовор бўлишга бел боғлаган. 12 бригада, 8 смена коммунистик меҳнат коллективи, 660 ишчи коммунистик меҳнат зарбдори деган номга сазовор бўлди.

1964 йилда 553 та рационализаторлик таклифи тақдим этилди. Бу таклифларни жорий этиш натижасида йилига шартли равишда 1 миллион сўм фойда кўрилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, янги технология, янги кабель буюмларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда меҳнатни ташкил этишни яхшилаш йўли билан корхона коллективи 1958 йилдан 1964 йилгача бўлган даврда қуйидаги ютуқларни қўлга киритди:

— 13 миллион киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси, 2.500 тонна мис ва алюминий, 31 минг тоннага яқин кўргошин тежалди;

— меҳнат унумдорлиги 31,2 процент кўтарилди, айрим гуруҳдаги маҳсулотлар тайёрлашга меҳнат сарфи 25-60 процент камайди;

— корхона кўраётган фойда 5,6 миллион сўмдан 15,6 миллион сўмга кўпайди;

— ишлаб чиқариш маданияти, иш шароити санитария-гигиена жиҳатидан ҳам яхшиланди;

— корхона кўрилаётган фойда ҳисобидан салкам 6 минг квадрат метр уй-жой ҳамда 1 200 ўринли болалар муассасалари қурди.

Жаҳонда биринчи социалистик давлатимизнинг 50 йиллигини ҳамда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб равишда янги меҳнат галабалари билан қутиб олиш учун биз, «Ташкенткабель» заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари зиммамизга қуйидаги ошкорилган мажбуриятларни оламиз:

1. 1964 йилда эришилган маррага нисбатан маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмини қуйидагича:

— куч кабеллари ишлаб чиқариш 1965 йилда 33 процент, 1966 йилда 52 процент, 1967 йилда 71 процент;

— контроль кабеллар 1965 йилда 23 процент, 1966 йилда 31 процент, 1967 йилда 38 процент;

— телефон кабеллар 1965 йилда 66 процент, 1966 йилда 2,2 баравар, 1967 йилда 4 баравар;

— каротаж кабеллари 1966 йилда 400 километрга ҳамда 1967 йилда 900 километрга ортади.

2. Кабель ва сим ишлаб чиқариладиган 15 та поток автомат ва 2 та механизациялашган линия жорий этилади. Шу жумладан, 1965 йилда 4 та, 1966 йилда 6 та ҳамда 1967 йилда 7 та линия ишга солинади.

1966 йилда узлуксиз қуйилма мис прокати ва унинг қотишмаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

3. Меҳнат унумдорлигини 1964 йилда эришилган маррага нисбатан 1965 йилда 2,6 процент, 1966 йилда 3,7 процент, 1967 йилда 10 процент кўтариш ҳамда тайёрланаётган маҳсулот таннархини 1965 йилда 0,3 процент, 1966 йилда 0,6 процент, 1967 йилда 1,5 процент арзонлаштириш кўзда тутилади.

4. Сиғими 600 жуфт бўлган шаҳар телефон кабелларини 1965 йилда, сиғими 1200 жуфт бўлганини 1966 йилда ҳамда сиғими 2 200 жуфт бўлганини 1967 йилда ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. 1967 йилда геофизика ишларида қўлланиладиган 300 градусгача ҳароратга чидайдиган 11 километргача узунликда бўлган каротаж кабеллари тайёрлаш ўзлаштирилади.

Шаҳар телефон кабеллари ҳамда каротаж кабеллари бўйича энг яхши жаҳон стандартлари даражасига 1967 йилда эришиш мўлжалланди.

5. Маҳсулот сифатини кўтариш ҳамда унинг пишиқ-пухта бўлишига эришиш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

— узлуксиз қуйилманинг ҳамда мис прокатининг жорий этилиши натижасида симнинг узилишига барҳам берилади;

— технология ускуналарида иш жараёнлари муттасил тартибга солиб турилади, шунингдек, ҳисоблаш-ҳал этиш техникасидан унумли фойдаланиб, ҳар бир иш бажарилгандан сўнг маҳсулот сифати текшириб кўриладиган бўлади. Шу жумладан, 1966—1967 йилларда шаҳар телефон кабеллари тайёрланадиган поток автомат линияларда шу тадбирлар амалга оширилади: синов ускуналарида электрон техника воситалари қўлланиб, шаҳар телефон кабелларининг асосий кўрсаткичлари бошдан-оёқ контроль қилиб кўрилади.

— технология жараёнларини бир меъёрга солиш ҳамда янада мукаммалроқ ускуналардан фойдаланиш йўли билан 1967 йилда каротаж кабелларининг ишга яраш муддатини ҳозиргидагига нисбатан 40 процент кўпайтирилади.

6. 1966—1967 йилларда кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш анча кўпайтирилади, маданий-маиший буюмларнинг бир неча ўндаб турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

7. 1966 йилда куч кабелларини ишлаб чиқарувчи комплекс поток линиянн барпо этиш тугалланади.

8. Кўрилаётган фойдадан ажратилаётган маблағлар ҳисобига 3 минг квадратметр уй-жой, 500 ўринли мактабгача болалар муассасалари, 100 ўринли стационар, шаҳар атрофида йил бўйи ишлаб турадиган 400 болага мўлжалланган пионер лагери қурилади.

Бу социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига ҳамда Коммунистик партиянинг ташкилотчиси ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб совға бўлади.

БУ МАЖБУРИЯТ ЗАВОД КОЛЛЕКТИВИНИНГ УМУМИЙ ИИҒИЛИШИДА 1965 ЙИЛ 25 МАРТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.



Суратда: пропагандистлардан (чапдан) Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институти аспиранти У. Аҳмедов, Октябрь районидаги 23-мактаб ўқитувчиси А. Пўлатов ва «Компрессор» заводи инженер-технологи Ў. Қодиров ўртоқлар ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

А. Мальцев фотоси.

ЗИЁ ТАРҚАТУВЧИЛАР

Округ офицерлар уйи ўзгача хуш қашф этган. Бугун бу ерга шаҳардаги завод ва фабрикалар, корхона ва муассасалар, олий ўқув юртларининг пропагандистлари тўпланишган.

Зал, катта ва кичик фойелар гавжум. Турли касб эгалари бугун бир темада Партия ва ҳукуматимизнинг қарорлари, Пленум материалларини оммага етказиш, сиёсий маорнф шахобчаларида, тўгаракларда ўтказилаётган машғулотларни янада қизиқарли ва таъсирчан қилиш ҳақида ўзаро тажриба алмашмоқдалар.

Зал бўйлаб айландик. Ахмад Хидоятов, Мирзамурод Аршаков, Ўткир Қодировлар бугун шу ерда таништишди. Танишдн-ю суҳбат қизиб кетди. Тажрибаларини ўртоқлашишди. Мисол учун Ўткир Қодировни олиб кўрайлик. У «Компрессор» заводида техника информацияси инженери бўлиб ишлайди. Унга аввало КПСС тарихи тўгарагига раҳбарлик қилишни таклиф этишганда ўйланиб қолди. Аввалига эплай олармикамман деб иккиланиб ҳам қолди. Лекин изланди, ўқиди, ўрганди. Заводда сиёсий маорнф кабинети ташкил қилиш ҳақида гап кетганда эса ҳамма бир оғиздан Ў. Қодировнинг номини кўрсатди. КПСС тўгарагига эса унинг шогирди Хабибулла Дадабоев раҳбарлик қилабошлади.

Ёки 3-пиво-алкоголсиз ичимликлар заводининг бош инженери Ахмад Хидоятовни олиб кўрайлик. У Партия тарихи тўгарагига бошчилик қилади. Конкрет экономикани ўрганиш темасида ҳам суҳбат ўтказиб туради. Суҳбатларда мисолларни завод ҳаётидан келтиради. Бу темани пухта ўзлаштириб олишга имкон беради.

Кечада 50 га яқин пропагандист шаҳар партия комитети гувоҳномасини олди.

Залда Ўзбекистон санъат усталари, бадиий хаваскорларнинг концерти бошланди. Катта фойеда эса «Совға концерти» қизиб кетди. Пропагандистлар ҳузурига шоир ва ёзувчилар ҳам меҳмон бўлиб келишган. Улар янги ёзган шеърларидан ўқиб беришди.

Кинолекция залида эса қисқа метражли фильмлар намойиш қилинди.

Зиё тарқатувчилар анжуманн ярим кечагача давом этди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ҚИШЛОҚҚА 17.000 ТРАКТОР

Бундан роппа-роса ўн йил аввал пойтахтимизнинг чет жойи ҳисобланган «Чангалзор» маҳалласининг пасти-баланд ташландиқ ерида деворсиз; дала шийпонига ўхшаш цех қад кўтарди. Атиги 53 кишидан иборат ишчилар группаси тор ва пастак цехда экскаватор учун новш тайёрлай бошлашди. 1955 йил 23 март куни бу корхона «Таширмаш» деб ном олди. Аммо уни завод дейишга тил бормасди. Ундаги токарлик, фрезерчилик ва пармалаш станокларининг ҳаммасини саналса нўл бармоқлари ортиқлик қиларди.

Ойдан-ойга, кундан-кунга завод юксала борди. Бирин-кетин 6 та катта цех қурилиб, фойдаланишга топширилди. Землеснаряд, дождевалка каби ирригация машиналари ишлаб чиқарила бошлайди. 1960 йили эса корхона коллективи Владимир трактор заводи билан ҳамкорликда пахтага ишлов бериш учун мослаштирилган «ДТ-54» тракторини ишлаб чиқаришга ўтди. «Таширмаш» шу йилдан бошлаб Ўзбекистон трактор-йиғув заводи деб аталабошланди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари Владимир Ильич Ленин мамлакатимизда 100 мингта трактор бўлишини орзу қилган эди.

Ҳозирги кунда биргина Ўзбекистон далаларининг ўзида 70 мингдан ортиқ трактор жавлон урмоқда. Пахтакорларимиз эса машиналар билан қуролланган механизаторларга айланишди. Бу улуғ доҳимиз — Ленин орзусининг тантанасидир.

Трактор-йиғув заводи коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни йилдан-йилга кўпайтириб, пахта ҳосилдорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 1963 йилга нисбатан 5229 та ортиқ трактор тайёрланди. Заводда ишлаб чиқарилаётган машиналар йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда: 30 от кучига эга бўлган «ДТ-54» трактори ўрнига 35 от кучли «Т 28×2», сўнг эса 40 от кучига эга бўлган «Т 28×3» трактори ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган «Т 28×3» трактори Иттифоқимиздагина эмас, бошқа мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонди. Куба, ГДР, Ҳиндистон каби 10 дан ортиқ мамлакатлар далаларида Ўзбекистон трактори жавлон уряпти. Ҳозирги кунда Ўзбекистон тракторига чет эл давлатларининг закази ортиб, йилига 1000 тага етди.

Республикамизнинг ҳамма саноат корхоналари бунёд қилаётган қишлоқ хўжалик машиналари учун редуктор етказиб бериш ва бутун ўрта Осиё заводларини мунаммал кестнч асбоби — протяжка билан таъминлашдек муҳим вазифани ҳам трактор йиғув заводи коллективи бажаради.

Завод замонавий асбоблар, станоклар ва янги техника билан қуролланган. Уз илғорлари, ўз машъаллари бор. Яқинда олий мунофот — Ленин ордени олишга муяссар бўлган штамповкачи Маргарита Сойнова, илғор пармаловчи Марьям Тожиназарова, коммунистик меҳнат зарбдорлари пармаловчи Тўлаган Қодиров, шлифовкачи Рашида Раҳимова ва бошқа кўплаб ишчилар шу корхонада вояга етишди.

Корхонанинг меҳнатсевар коллективи ўзининг ўн йиллик юбилейини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олди. 1964 йилнинг сўнгги икки кварталида республика саноат корхоналари ўртасидаги соцналистик мусобақа якуни бўйича тракторсозлар Узбекистон халқ хўжалиги ненгаши ва Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроғи, биринчи даражали пул мукофотини кетма-кет олишга муяссар бўлдилар.

Пахтакорларимизнинг бу йилги 3 миллион 650 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонига Ўзбекистон трактор-йиғув заводи коллективи 17.000 трактор, 750.000 шестерня, қишлоқ хўжалик машиналари учун кўплаб редуктор ва эҳтиёт қисмлари тайёрлаб бериш билан ҳисса қўшишга бел боғлаган.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларидан руҳланиб, кун кеча 1965 йилнинг биринчи квартал планини шараф билан адо этиб, яна қўшимча 100 та трактор ишлаб чиқариш ишқида кучга куч, гайратга-гайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

А. ТОЖИЕВ,
С. ТУЛАЕВ.

ЖАҲОН СТАНДАРТИДА

«Таштекстильмаш» заводининг меҳнаткашлари мисли кўрилмаган галабага эришдилар. Машинасозлар Москва ҳамда Ленинград корхоналари коллективларининг маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан бошланган ташаббусига қўшилиб, мамлакатда энг юксак натижани қўлга киритишди. Заводда ишлаб чиқарилаётган тўқув машиналарининг 72 процентн жаҳон стандарти даражасига етди.

Ҳозирги кунда «Таштекстильмаш» заводининг маҳсулотларини жаҳондаги бошқа мамлакатлар қатори Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва бошқа давлатларнинг фирмалари ҳам сотиб олмоқда.

Заводнинг кўпмингкишилик коллективи қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун курашни қизитиб юборди.

Т. СУЛТОНМУРОДОВ.

МАДАНИЙ САВДО УЧУН

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратаётган совет кишиларига намунали хизмат кўрсатиш савдо ходимлари олдида турган юксак ва шарафли вазифадир. Область савдо ходимлари совет кишиларининг саноат молларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик топшириқларини бажариш йўлида курашиб бирмунча ютуқларни қўлга киритишди. Етти йилликнинг олтинчи —1964 йил товар оборотн топшириғи 101,7 процент, умумий овқатланиш тармоқлари бўйича план 104,3 процент қилиб бажарилди.

Область савдо ходимларининг яқинда бўлиб ўтган актив йиғилишида ўтган йилги ишларга якун ясалди ва 1965 йилдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ўтган йили баъзи савдо ташкилотлари, жумладан Оҳангарон шунингдек Бекобод ва Янгийўл савдо ташкилотлари товар оборот планини бажараолмади. Бунинг устига савдо хизмати кўрсатишнинг янги тартиблари жуда совуқконлик билан жорий қилинмоқда. Бу савдо ташкилотларида аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олиб борилмайди. Шунинг учун ҳам Оҳангарон ва Бекобод савдо ташкилотларида сифатини йўқотган ва эски фасондаги кийим-кечак қўплаб тўпланиб қолмоқда.

— Савдо тармоқларига янги техникани жорий қилиш, — дейди докладчи, область савдо бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ О. Юсупова—аҳолига маданий савдо хизматн кўрсатишни яхшилашнинг асосий шартларидан бири. Кейинги икки йил ичида кўпгина умумий овқатланиш тармоқлари янги техника билан қайта жиҳозланди. Афсуски, шунга қарамай баъзи савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш трестларининг раҳбарлари имкониятни ҳисобга олмай талабномалар юборадилар. Натижада ҳозир жойларда 113 та янги ускуна фойдаланилмай ётибди.

«Чирчиқдаги 12-комсомол ёшлар магазинининг мудири Ўртоқ Э. Алиеванинг сўзи актив қатнашчилари эътиборини ўзига жалб этди. Ўртоқ Алиева магазин коллективи коммунистик меҳнат коллективи номи учун курашаётганлиги ҳақида сўзлаб берди. Область савдо ходимлари касаба союз комитетининг секретари Ўртоқ Еқубов планлаштириш ва саноат молларини тақсимлашда йўл қўйилган хатолар ҳақида гапирди. Шунингдек музокарада «Чирчикторг» директори И. Ерминчев, область прокурори Е. Смирнов, «Бекободторг»га қарашли 13-ошхона ошпази А. Фролова, «Узкультторг» директори Исломов ва бошқа ўртоқлар сўзлади. Актив йиғилишида область партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ А. С. Пономарёв қатнашди.

ЮТУҚЛАРИМИЗ КАЛИТИ

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА—ТАРБИЯ МАКТАБИ

Социалистик мусобақа муваффақиятлар калити ҳисобланади. Ўзаро мусобақалашиб, ўзаро ўрганиб, илғор тажрибаларни кенг жорий этган ҳолда қилинган меҳнат ҳам баракали, ҳам мазмунли бўлади. Мусобақа ҳар доим ҳаётий, жонли бўлмоғи, унга раҳбарлик намунали йўлга қўйилмоғи талаб этилади. Мусобақа шартларининг қай тарзда бажарилаётганлигини ой ва йил давомида муттасил текшириб бориш, камчиликларни биргалашиб бартараф этиш керак. Доҳиимиз В. И. Ленин ҳам социалистик мусобақанинг асосий принципларн деб унинг ошкорлиги, иш натижаларини чоғиштириб кўриш мумкинлиги ҳамда энг яхши тажрибаларни кенг ёйиш имкониятларини назарда тутар эди.

Корхонамизда социалистик мусобақа шартларига тўла-тўкис амал қилинаётганлиги биз учун зафарлар келтирмоқда.

Социалистик мусобақа жараёнида корхонамиз камол топди. Қатор-қатор янги корпуслар қад кўтарди, пўлатни тўхтовсиз қуйиш қурилмаси ўрнатилди, барча операциялар тўла-тўкис механизациялаштирилди. Ҳозирги кунда автоматика ва телемеханика цехларимизга илдам одимлар билан кириб келмоқда. Жорий этилаётган янги техника ва технология шарофати билан заводда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тўхтовсиз кўпаймоқда. Қуйилаётган пўлат ва тайёрланаётган прокат таннархи арзонлашиб, сифати яхшиланиб бормоқда.

Корхонамизда меҳнат маданиятининг юксалаётганлиги, барча цех ва участкаларда саноат эстетикасининг жорий этилаётганлиги ҳам нур устига нур бўлмоқда. Кини кўзини толиқтирмайдиган ранглларга бўялган агрегатлар, ярқираб турган ойна ва деразалар олдида барқ уриб яшнаётган гул-чечаклар кишининг қулфи дилини яна ҳам очиб юборади. Уларга қараб баҳринг очилади. Ишлаган сайин ишлагинг келаверади. Ҳа, шундай шароитда меҳнат қилиш ҳам гашти, ҳам завқли. Ишингга унум, умрингга умр қўшилаверади.

Ҳар куни бир ўзгариш, бир янгилик содир бўлади корхонамизда. Цехларни, участкаларни айланиб фақат юксалишни кўраман холос. Барча цехларда давлат планлари бекамн кўст ado этилаяпти. Азаматлар планга қўшимча равишда кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришяпти. Кишилар ўзаро мусобақалашиб топшириқларни 1,5—2 бараварга етказиб бажаришмоқда. Шуларни кўраман-да, ютуқлар сирини ахтараман. Узоқ ўйланиб қоламан.

Назаримда ҳамма гап мусобақани пухта ташкил этишда, ишчи кучидан, ички имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланишда қолган. Меҳнат тўғри ташкил этилса, одамлар бошқараётган агрегатлар ишига барака қўшилаверади. Хўш, меҳнатни қандай қилиб намунали ташкил этиш мумкин? Мен шу ерда меҳнатни ташкил этишдаги ўз тажрибаларимиз хусусида, эришилаётган муваффақиятларда социалистик мусобақанинг роли тўғрисида тўхталмоқчиман.

Цехимизга қачон кирманг, ижодий меҳнат устидан чиқасиз. «300» стани агрегатлари тинин билмайди. Моторлар ҳаракатда. Ҳарорати 900 даражали печлар қаршисида темир тоблаётган валцовкачиларни, уларнинг ёрдамчиларини, операторларни кўрасиз. Ҳамма ўз меҳнат постида. Барча операциялар кўнгилдагидек бажаралаяпти.

Бизнинг ишимизни минутлар ҳал қилада. Шунинг учун ишга олдиндан тайёргарлик кўриш, бугунги вазифани пухта ўрганиш талаб этилади. Цехимизнинг қизил бурчаги бор. Смена бошланишига 20 минут қолганда бригадамизнинг барча аъзолари шу ерга тўпланишади. Мен одат бўйича журналда олдиндан кўрсатилган вазифаларни бирма-бир ишчиларга тушунтираман. Бугун ким қайси участкада ишлаши кераклигини кўрсатиб бераман.

Секундларни ақтисод қилмасак, вақтдан унумли фойдаланмасак кўп нарсани ютқизиб қўйишимиз мумкин. Буни бригадамизнинг ҳамма аъзолари беш қўлдек билишади. Прокат ишлаб чиқаришда операциялар оралигини яна ҳам торайтириш, процессларни тезлаштириш устида бош қотирамиз.

Бизда ҳамма ишлаб чиқариш технологиясига бирор янгилик киритишга интилади. Кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш йўлини қидиради. Унинг натижаси ёмон бўлмаяпти. Айрим операциялар такомиллашаяпти. Прокатларни болғалаш процессини 17 секунддан 15 секундга туширдик Биргина шу операциядан икки секунд ақтисод қилабошладик. Шунга ўхшаган бошқа тадбирлар ҳам кўрилди. Бу янгилик шарофати билан ўтган йили 50 минг квадрат метр прокат кўп ишлаб чиқарилди, станларнинг бекор туриш вақти 50 процентга қисқарди.

Маҳсулотимизни кўпайтириш билан бирга унинг сифатини яхшилаш устида ҳам бош қотирдик. Ҳаммамиз сифат учун бир жон, бир тан бўлиб кураш бошлаб, қисқа вақт ичида ажойиб ютуқларни қўлга киритдик. Илгарилари биринчи сортга маҳсулотдан иккинчи ва учинчи сортли маҳсулот ҳажми кўпайиб кетар эди. Жорий этилган қатор техник-ақтисодий тадбирлар натижасида иккинчи сорт маҳсулот ишлаб чиқариш беш процентга, учинчи сортли маҳсулот ишлаб чиқариш эса уч процентга туширилди. Биринчи сортли маҳсулотлар ҳажми кескин кўпайди.

Цехда барча соҳалар бўйича юқори кўрсаткичларга эришмоқдамиз. Галабага эришиш бир масала, уни қўшинигга ўргатиш эса иккинчи масала. Биз ҳар икки масаланн иккала қўлимизда маҳкам тутганмиз. Бригада аъзолари эришган ўз ютуқлари сирларини ҳеч бекитмай мусобақадошимиз И. Мадаминов бошлиқ 4-бригада коллективига ўргатмоқдалар. Утган йили бригадамиз аъзоси валцовкачи Аббоскўзи Ҳасанов цехда илғор тажриба мактабини ташкил этиб, кўшни бригадаларга эришган ютуқларимизни сўзлаб берди. Уларга илғор ишлаб чиқариш технологиясини ўргатди. Натижада ҳозир бутун цех бригадамиз методи асосида ишлаб, ажойиб галабаларни қўлга киритмоқда. Бизда шундай—ўзинг ўргандигими ўзгага ҳам ўргат, деган принцип ҳукмрон.

Энди социалистик мусобақа ҳусусида тўхталмоқчиман. Юқорида айтганимдек бизнинг бригада И. Мадаминов бошлиқ бригада коллективи билан кўп йиллардан бери мусобақадош. Утган йил бригадалараро таъсис этилган вимпелни олти марта қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Мусобақадошларимиз ҳам чакки ишлашмади. Ҳар ой охирида социалистик мусобақа шартларини қандай бажарилаётганини ўзаро текшириб бордик. Улар бизнинг, биз уларнинг камчиликларини йўл-йўлакай кўрсатиб турдик. Мусобақадош деган шундай ҳам бўлиши керак-да. Бу йил ҳам улар билан беллашяпмиз. Йил давомида етти кишига иккн хил ҳунарни ўргатиш, меҳнат унумдорлигини 10 процентга ошириш, маҳсулот таннархини 20 процентга арзонлаштириш, 2 ва 3-сортли маҳсулот ишлаб чиқаришни пландагига нисбатан 10 процент камайтириш, браккa йўл қўймаслик мажбуриятларини олганмиз. Йиллик планни муддатидан бир ой олдин бажаришни ҳам мўлжаллаяпмиз.

Шу гаплар ҳар йили социалистик мусобақа шартлари қилиб белгиланади. Уларнинг қандай бажарилаётганлиги ўзаро текшириб борилади. Бу яхши. Лекин мусобақа шартларини яна ҳам кенгайтириш керак. Ишчининг кўчада ва уйидаги турли-тумнни ҳам, аҳлоқи, фарзандлар тарбияси ҳам бир бурч сифатида мусобақа шартларига қўшилиши лозим. Бундан ташқари ишчиларга ҳунар ўргатиш ва разряд беришда ҳам цехларда техника минимуми жорий этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Техника минимумини ўтаган ишчи ҳам малакали бўлади, ҳам билимли. Булардан ташқари социалистик мусобақа ғолибларини тақдирлаш, уларга мукофот бериш тантанали суратда ўтказилиши керак. Кўчма Қизил байроқ, вимпеллар, мукофот учун берилган пул кўнчилик ўртасида, ҳамкасблар орасида ғолибга тақдим этилиши лозим. Назаримда социалистик мусобақа шартларини бажариш бўйича кишиларга индивидуал топшириқлар ҳам берилса, ёмон бўлмасди. Шунда кишиларда масъулият ҳисси кучаяди. Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун деган шиор тезроқ онгимизга сингар эди. Биз шу фикрларга тўла-тўкис амал қилинса фойдадан холи иш бўлмас эди, деб ўйлаймиз.

Қ. ТОШМАТОВ,
Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводи прокат цехи коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
2-БЕТ, 30 МАРТ 1965 ЙИЛ.

Сабзавотчилик касбини улуғланг

Сабзавот, қовун-тарвуз ва картошка маҳсулотларини кўп етиштириш йўлидаги режаларимиз

Ғуломмаҳмуд АБДУЛЛАЕВ,
Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

САБЗАВОТ дастурхонимизнинг безаги, зеби-зийнати, тўқчилик, маъмурчилигимизнинг боиси. Унингсиз қозонимиз деярлик қайнамайди. Овқатларимизни мазали қиладиган ҳам сабзавот. Витаминларга бой картошка, сабзи-пиёз, лавлаги, шолғом, карам ва бошқалар инсон учун ҳамиша зарур. Шунинг учун биз деҳқонлар халқимизга кўпкўп сабзавот маҳсулотлари етиштириб бериш учун курашмоқдамиз. Бу жуда муҳим масала. Зотан партия ва ҳукуматимиз халқимизнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, сабзавотчиликни янада ривожлантириш тадбирларини кўрмоқда. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Сабзавот маҳсулотларини кўпайтириш тўғриси»даги 12 мартда эълон қилинган қарорида ҳам ана шу мақсадлар кўзда тутилган.

Биз сабзавотчилар бу қарордан ўзимизга тегишли хулосалар чиқармоқдамиз. Аҳолига бутун йил давомида кўпроқ сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш тадбирларини белгилаб олмоқдамиз.

ТЎҒРИ ПЛАНЛАШТИРИШ КЕРАК

Бу соҳада биз нималар қилаяпмиз? Вақтида етказилган маҳсулот халқ учун ҳам, хўжалик учун ҳам катта аҳамиятга эга. Агар бир йўла кўп ишлаб чиқарилса, уни халқ бирдан истеъмол қилиб улгурмайди. Айниқса ёз фаслида етказилган кўп маҳсулот туриб қолса чириб нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун сабзавот ишлаб чиқаришни тўғри планлаштириш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Тўғри планлаштириш сабзавот етиштираётган хўжаликлар, тайёрлов ташкилотлари ва аҳоли учун ҳам жуда фойдали, қийинчиликлар бўлмайди, етиштирилган маҳсулот бир меъёрда тайёрланади, сотилади ва истеъмол қилинади. Шунинг учун ҳам сабзавотчилик тўғрисидаги қарорда эртаги, ўртаги ва кечки сабзавот экишни қандай планлаштириш кераклиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Биз ҳам бу қарордан тегишли хулоса чиқардик. Планга нисбатан 24 процент эртаги, 12 процент ўртаги, 64 процент кечки картошка етказишни, 25 процент эртаги, 35 процент ўртаги ва 40 процент кечки сабзавот етиштиришни планлаштирдик. 50 гектар ерга такрорий экин экишни белгилаб қўйдик. Умуман халқимизни эрта муддатларда сабзавот билан таъминлаш учун ҳозиргача 185 гектар ерга эртаги экинлар экиб қўйилди.

Сабзавот маҳсулотини кўпайтиришнинг дастлабки шарти одамларни меҳнатга рағбатлантиришдан иборатдир. Чунки одамларнинг хоҳиши ҳамма нарсани ҳал қилади. Бу, мақсадга қандай қилиб эришиш мумкин? Бизнинг колхозда кўп йиллардан бери бутун иш моддий манфаатдорликни кўзда тутиб уюштирилганлиги яхши натижалар бермоқда.

Маълумки, колхозда ҳар хил харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш харажатлари жуда кўп. Бу харажатларни камайтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш фақат колхоз раҳбарларининггина иши бўлмай, балки ҳамма колхозчиларнинг ҳам иши бўлмоғи лозим. Бусиз дуруст бир натижага эришиб бўлмайди. Бу мақсадга фақат колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини кўзда тутиб иш тутилгандагина эришмоқ мумкин. Партия ва ҳукуматимиз ҳам ҳамиша колхозларнинг моддий-манфаатдорлигини кўзда тутиб, колхоз-совхозларда ишни ташкил этишни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Хўш, бу соҳада колхозимиздаги ишлар қандай уюштирилган? Ҳамма бригада ва звенолар конкрет планга эга. Уларнинг қанча маҳсулот етиштиришлари маълум. Бригадалар планни тўла бажарсалар уларга 5 процент қўшимча ҳақ тўланади. Агар пландан ташқари ортиқча маҳсулот етиштирганларида эса, шу ортиқча етиштирилган маҳсулотнинг 70 проценти колхозчиларнинг ўзларига тақсимлаб берилади.

Нима учун 70 проценти колхозчиларга берилади? Чунки, биз ҳар тонна экилган картошка уруғидан 5 тонна ҳосил олиб беришни талаб қиламиз. Ҳар гектар ердан энг камида 15 тоннадан ҳосил олишни шарт қилиб қўйганмиз.

Ундан ташқари, планда белгиланган ишлаб чиқариш харажатлари тежаб қолинса, шу тежаб қолинган маблағнинг 50 проценти ҳам колхозчиларга тақсимлаб берилади.

Моддий манфаатдорлик шу тахлитда амалга оширилаётгани учун колхозчиларимиз ҳар гектар ердан йилдан-йилга кўпроқ ҳосил олишга, беҳуда харажатларга йўл қўймасликка, етиштирилган маҳсулотни яхши асрашга астойдил интилмоқдалар. Харажатларни кўпайтириб юборганлар ҳам, ҳосилдорликни пасайтириб юборганлар ҳам, маҳсулотни исроф қилганлар ҳам колхозчилар манфаатига путур етказишини ҳамма, ҳамиша сезиб ва билиб туради. Бундай холга йўл қўймаслик учун астойдил курашаверади. Шу туфайли ўтган йили сабзавотдан мўл ҳосил олинди. **Ҳар гектар ердан пландаги 13 ўрнига 16 тоннадан картошка, 22 ўрнига 44 тоннадан карам, 13 ўрнига 19,2 тоннадан бодринг ҳосили олинди. Колхоз бўйича ўртача ҳисобда ҳар гектар ердан пландаги 16,21 ўрнига 19,8 тоннадан сабзавот етиштирилди.**

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорини бажариш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу ўз касбимизни улуғлашдир. Шу муносабат билан сабзавотчиликни янада ривожлантириш, аҳолининг сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш ва бу йўлда ҳал бўлмаган баъзи масалалар ва проблемалар ҳақида фикр юритишни истар эдик. Бу соҳадаги ишларни кенг қулоч ёзиб ривожланиб кетиши учун тўсқинлик қилаётган баъзи фактларни рўй-рост айтиб ўтишни хоҳлар эдик.

ЕР ЎЗ ҚАДРИНИ ТОПСИН

ЭЛ-ЮРТНИ бой қиладиган бу она ер, Ернинг қадрига етиш, унинг умрини бекор ўтказмаслик керак. Сабзавот етиштириб бир гектар ердан беш тонна ҳосил олиш ҳам мумкин, 30 тонна ҳосил олиш ҳам мумкин. Кам ҳосил олиш ерни хор қилиш, унинг умрини бекорга ўтказиш демакдир. Бундай деҳқон чинакам деҳқон эмас.


Бизнинг колхозда 400 гектар ер шаҳарга ўтиб кетди. Хўш, шундан кейин илгари ҳосил камайиб кетдими? Йўқ. Колхозимиз илгари қанча маҳсулот бераётган бўлса, ҳозир ундан ҳам ошириброқ маҳсулот етказиб беряпти.

Чунки илгари фойдаланилмай ётган қийтиқ, паст-баланд ерлар, сув чиқмайдиган тепаликлар ҳозир ҳосилдор ерларга айлантирилди. Натижада кейинги йилларда колхозимизга 400 гектар ер қўшилди. Чунончи Фрунзе участкасидаги тепаликдан 28 гектар, Қайимоқсоқол тепалигидан 20 гектар ер ўзлаштирилди. Мана шу янги ўзлаштирилган тепаликларга ҳозир 11 та насос ўрнатилиб сув чиқарилмоқда. Бу ерлар унумдор ерларга айланди.



Зокир ота Шокировни колхоздагилар жуда ҳурмат қилишади. Отахон хўжаликнинг энг кекса сабзавоткорларидан биридир. Суратда: (пастда) Зокир ота теплицада ўстирилаётган помидор кўчатларини чеканка қилмоқда.

(Ўнгда) теплица хўжалигининг ишчиси «Ўртоқ С. Тўраева помидор кўчатларини пикировка қилаётир.





Колхознинг ўртоқ Х. Убайдуллаев бошлиқ звеносида полиэтиленли пленка остида парвариш қилинаётган эртаги сабзавот экинларининг ҳосили пишиб қолди. Колхозчилар эртаги редиска ҳосилини йиғиб-териб олабошладилар. Суратда: звено бошлиғи Х. Убайдуллаев (чапда) ва колхозчи М. Ҳакимова ўртоқлар ҳосилни йиғиштириб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар.
В. Салов фотолари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Министрлар Совети зўр ишонч билдиradики, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари, савдо, матлубот кооперацияси органлари ва республиканинг барча сабзавоткорлари етти йилликнинг охирги йилида сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти ва картошка етиштиришни кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни бажариш, шаҳарларнинг аҳолисини ва бутун республика меҳнаткашларини маҳсулотлар билан мўл-кўл таъминлаш учун бутун куч ва ғайратларини сарф қиладилар ва шу тариқа халқнинг моддий фаровонлигини ошириш ишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг сабзавотчилик ҳақидаги қароридан).

Бир ҳосил олинган ерга келгуси йил учун қайта экин экиш ҳам, ёш боғлар орасидан фойдаланиш ҳам ернинг қадрига етиш демакдир. Сабзавотчилик тўғрисидаги қарорда бизнинг Калинин районидаги сабзавотчилик учун ихтисослаштирилган хўжаликларда сурункасига план бажарилмай келаётгани алоҳида қайд этилган. Бунга биринчи навбатда ернинг қадрига етилмаётганлиги сабаб бўлаяпти.

Очигини айтганда, сабзавотчилик учун ихтисослаштирилган хўжаликларда ҳам барча ишлар жойида, деб бўлмайди.

Нима учун? Бу хўжаликларнинг қадди-қоматини тиклаб олиш учун ер, сув, техниканинг бўлишигина кифоя қилмайди. Ҳамма нарсани ҳал қилувчи куч одамлардир. Аммо бу хўжаликларни ихтисослаштирган пайтда ишчи кучлари масаласи, улар учун турар-жой масаласи, маиший шароит ва сув проблемаси ва бошқалар етарли равишда ҳал қилинмаган ва ҳисобга олинмаган. Бу хўжаликларда доимий яшайдиган кишилар кам бўлгани учун вақтинча ишлаб кетадиган кишилар кўп. Бундай кишилар фақат ўз шахсий манфаатларини кўзлаб бир ёз ишлаб, яна қайтиб кетаберадилар. Улар хўжаликнинг асл манфаатини кўзлашмайди. Бу хўжаликларда ҳосилнинг асилини шу тахлитдаги кишилар олиб кетадилар. Масалан, бизнинг Калинин районидаги «Москва» совхозини олиб қаранг. Бутун бошлиқ совхозда 50—60 кишига етадиган уй-жой бор. Ичадиган сув йўқлиги учун шаҳардан ташиб келтирилади.

Ўтган йили шу совхозда тегишли ташкилотлар ўгитхона қуришни планлаштирганлари ҳолда одамлар учун турар-жойлар қуришни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Бу хўжаликда ерларни қадрлайдиган одамлар яхши қадрланмаяпти. Мана шундай пала-партиш, ўйланмай қилинаётган ишлар, одамларга етарли ғамхўрлик қилинмаётганлиги айрим ихтисослаштирилган хўжаликлар ишининг яхши юришиб кетмаслигига сабаб бўлаяпти. **Одамларга чинакам ғамхўрлик қилинсин, уларга қулай маиший шароит яратилсин, ўз шахсий манфаатини кўзлаб вақтинча ишлаб кетадиган кишиларга эрк берилмасин, ана шундагина ернинг қадрига етувчилар, жонкуярлар кўпаяди.**

УРУҒНИНГ САРАСИНИ ЭКИНГ

МЎЛ ҳосилнинг дастлабки шартларидан бири сара уруғдир. Уруғ сара бўлса деҳқон зўр ишонч билан астойдил ишлайди. Нобоб уруғ жуда кўп меҳнатнинг беҳуда сарфланиб кетишига сабаб бўлади.

Афсуски, уруғчилик соҳасидаги ҳамма ишларимизни бинойидек, деб бўлмайди. Бу соҳада ҳам ҳали жиддий камчиликлар, кўнгилсиз ҳодисалар юз бериб туради. Ўтган йили колхозимизда 13 гектар ерга сабзи экилди. Бу сабзининг уруғи «Узсортсемовощ» бирлашмасидан олинган эди. Бу экин колхозимизга катта зарар етказди, унинг деярлик ҳаммаси эркаклаб кетди. Ҳатто шу ташкилот томонидан тайёрланган, уруғчилик магазинларида пакетларга солиб сотилаётган уруғлар ҳам нобоб бўлиб чиқди. Уруғ етказиб берадиган бу ташкилотнинг озгина хатоси колхоз ва совхозларга жуда қимматга тушади.

Биз ўз хўжалигимизда картошка уруғи проблемасини ҳал қилганмиз. Биз ҳеч вақт уруғ учун картошка сотиб олмаймиз. Бизда эртапишар «сидов» ва қайчи барг «валтман» навли картошка уруғидан фойдаланяпмиз, бу уруғни ўзимизда етиштирамиз.

Лекин картошка уруғи масаласи ҳали кўп хўжаликларда ҳал бўлмаган. Бу соҳада ҳам жиддий камчиликлар бор. Ҳамма хўжаликларда ҳам картошка уруғи етарли миқдорда сақлаб қолинмайди. Сотиб келтирилган уруғлар жуда қимматга тушяпти. Бу эса етиштирилаётган картошка таннархининг ошиб кетишига, ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Фақат бугина эмас, картошка уруғи ўз вақтида топилмаган пайтларда эртаги картошка экиш ўртагига, ўртаги картошка экиш кечкига айланиб кетяпти. Бу ҳол хўжаликни планли иргизишни изидан чиқариб юборяпти. **Шунинг учун ҳар бир хўжалик етарли миқдорда картошка уруғига эга бўлсин, деган шиор қатъий қилиб қўйилиши керак.**

Сабзавоткор хўжаликлар учун ҳар хил уруғ етказиб берадиган «Узсортсемовощ» бирлашмаси хўжаликларнинг талабларини тўла қондириши, сифатли уруғ етказиб бериш учун курашмоғи лозим.

КОНСТРУКТОРЛАРГА ТАЛАБИМИЗ

Шу кунларда ош қилиб емоқчи бўлсангиз, магазиндан бир килограмм гуручни 72 тийинга олишингиз мумкин. Лекин шу ош учун зарур бўлган бир килограмм сабзини бозордан 30—40 тийинга оласиз. Ахир буни нормал ҳол деб бўладими?

Хўш, нега шундай аҳвол юз бераяпти? Нима учун сабзи қиммат? Чунки сабзи кўп меҳнат талаб қиладиган экин. Уни экишдан тортиб то йиғиштириб олгунгача бўладиган ишлар фақат қўл билан бажариляпти. Қўл билан ўтоқ қилинади, қўл билан ғарбалланади, қўл билан ғарбаллаб ўсган ортиқча ўсимликлар йўқотил



ГАРД ҲАМ ЮҚМАЙДИ...

СССР Халқ хўжалиги кенгашига қарашли маданий-маиший хизмат учун химиявий буюмлар тайёрловчи корхоналарнинг янги ташкил қилинган уюшмаси ўзининг дастлабки товарлари билан аҳолини қувонтира бошлади.

Ҳозир оммавий суратда ишлаб чиқарилаётган мебель локи шуларнинг биридир. Унинг ажойиб хусусияти шундаки, аввалги локлар сингари намлик, ифлос ва чангни ўзига «тортиб олмай» балки ўзидан «итаради». Бундай локлар билан бўялган жиҳоз ва жовонлар юзасида на томчи тура қолади, на гард юқади. Таркибига кремний органик бўёқлар қўшилган пойафзал кремларининг хусусиятлари эса бундан ҳам афзал — бундай бўёқлар билан бўялган ҳар қандай пойафзал юмшоқ бўлади, ярқираб туради. Пойафзал устига томган томчи дарҳол тушиб кетади.

Яқин кунлар ичида маиший хизмат кўрсатувчи химиявий буюмлар сони бир неча бор ортади. Янги ташкил қилинган уюшма олдига қўйилган вазифа ҳам шу.

А. АЛОВУТДИНОВ,
Москва шаҳри.

ИККИ ВИСТАВКА

— Мана бу парча гуллигидан тўрт метр беринг.

— Марҳамат.

— Менга танга гуллигидан бир кўйлайлик ўлчанг.

Октябрь бозоридаги газламалар билан савдо қилувчи 19-магазин харидорлар билан гавжум. Бу ерда яқинда газламалар виставкаси ташкил этилган. Ундаги ранг-баранг моллардан ўзингизга манзур бўлганини харид қилишингиз мумкин. Сиз фотомухбиримиз В. Салов олган чапдаги суратда старший сотувчи Манзура Алимова харидорларга ҳизмат қилаётганини кўриб турибсиз.



ВАТАНИМИЗДАГИ турли шаҳарларнинг ўқувчилари ижодлари асосида Марказий кўргазмалар залида ташкил этилган виставка тошкентликларга манзур бўляпти. Ҳар куни бу ерга юзлаб ўқувчилар келишади, тенгқурларининг ижодлари билан танишишади.

Виставкада 850 та тасвирий санъат асарлари, 700 дан ортиқ ўйинчоқ, юзлаб фотоплакатлар намойиш қилиняпти.

Кичкинтойларнинг бу кўчма виставкаси бундан аввал Москвада намойиш қилинган эди. Ўнгдаги суратни фотомухбиримиз А. Абалян ана шу залдан олган.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

⊙ «Қорасув» совхозининг 1-агроучасткасида янги магазин ишлай бошлади. Шунингдек совхозда дорихона ҳам очилди.

И. ЎРИНБОЕВ,
Ж. ЖАЛИЛОВ.

⊙ Тошкент Давлат педагогика институтида физика ва умумий-техника ихтисосини олувчи 5-курс студентлари шаҳардаги 1 ва 10-авторемонт заводларида ишлаб чиқариш практикасини ўтказмоқдалар.

А. НОРЖИГИТОВ.

⊙ Пойтахтнинг Педагогическая кўчасида яна бир тўрт қаватли бино фойдаланишга топширилди. Уни 5-қурилиш бошқармасига қарашли 3-трест қурувчилари хореография билим юрти студентларига совға этишди. Янги ётоқхона студентларни хурсанд қилди.

И. ЗАМОНОВ,
Ў. САИДОВ.

ЗОКИРОВЛАР ОИЛАСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Бу сафар «Республикамизнинг талантли кишилари» тематикасида ўтказилган учрашувга санъаткор Зокировлар оиласи таклиф қилинган эди. Марказий лекторийга йиғилган жуда кўп санъат шинавандалари Ўзбекистон ССР халқ артистлари Карим Зокиров, Ботир Зокиров ва республикада хизмат кўрсатган артистка Луиза Зокировалари қувонч билан кутиб олишди. Санъатга мафтун бу оила ҳақида республикада хизмат кўрсатган артист А. Султонов сўзлаб берди. Шундан сўнг оила бошлиғи болаларини санъат чаманига олиб киришда қандай тарбия берганн ҳақида гапирди. Ака-сингил Зокировларнинг ўз ижодий режалари ҳақидаги сўзлари ҳам қизиқиш билан тингланди.

Кеча охирида «Зокировлар оиласи куйлайди», «Салом, баҳор», «Тамара қўшиқлари» номли рангли ҳужжатли фильмлар кўрсатилди.

Б. ОРИФХЎЖАЕВ.

НОЁБ АСАРЛАР

Яқинда Тошкентдаги санъат музейида тасвирий санъат, графика, скульптура ва амалий санъат асарларидан иборат экспонатлар виставкаси очилди.

Таниқли рус рассоми А. В. Исуповнинг расмлари ва тасвирий санъат асарлари катта қизиқиш билан томоша қилинаяпти. Виставкада унинг тўққизта иши қўйилган. Автор 20-йилларда яратган Самарқанд архитектурасн ёдгорликлари этюдлари рассомнинг юксак талант эгаси эканлигини кўрсатиб турипти.

Виставкага қўйилган бошқа асарлар ичида М. Раҳимовнинг ҳозирги замон керамикаси, У. Йўлдошевнинг керамик ўйинчоқлари, бухоролик уста Н. Аминовнинг замонавий зардўзлик буюмлари, тошкентлик Д. Ҳакимов ва қўқонлик У. Норқўзиевнинг ноёб асарлари катта қизиқиш билан томоша қиляпти. Шунингдек виставкада туркман гиламларидан, чевар-ларнинг ишларидан намуналар қўйилган.

Бу ерга келувчилар кўпгина томошабинларга шу вақтгача таниш бўлмаган ноёб асарларни кўрмоқдалар.

О. АПУХТИН.

Ш А Ҳ М А Т

ЧЕМПИОН ЎЗГАРМАДИ

Пойтахт биринчилиги учун ўтказилган навбатдаги мусобақанинг охирги тури олдидан кескин вазият юз берди: республика ва пойтахт чемпиони Е. Мухин 5,5 очкого эга бўлиб, мастерликка кандидат Е. Шварцмандан ярим очко орқада эди. Бу-лзрнинг қайси бири чемпион бўлишини саккизинчи тур ҳал қилди.

Иўқ жойдан мотни ахтарган ёш шахматчи А. Швец Мухин томонидан тезда «жазоланди». Ҳали тажрибаси кам бу шахматчи Мухиндек зўр-ларнинг шохини мот қилиш осон эмаслигини бориб-бориб тушуниб олади, албатта.

«Очкони» қойил қилиб қўйган Мухиндан фақат Шварцман ўзиб кетиши мумкин эди. Бироқ республика терма командасининг аъзоси мастерликка кандидат А. Хасидовскийнинг «қўлига тушган» Шварцман «сиртмоқ»дан чиқиб кета олмади. Бу ютуқ туфайли Хасидовский рақибига етиб олди.

Тўрт ҳафталик қизғин курашлардан сўнг 8 имкониятдан 6,5 очко олган Е. Мухин яна чемпион бўлди. Хасидовский ва Шварцман олти очко билан 2—3-ўринларни, Г. Бударин, Х. Набирахўжаев, Г. Коган 5,5 тадан очко билан 4—5—6—ўринларни, А. Архипов, Х. Исматов ва Швец 5 очко билан 7—8—9 ўринларни эгаллашди. Мусобақалар шартига кўра булар апрель ойида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган республика чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт мастери.

Мавсумолди ўйинлари

Футболчилар мавсум олди машқларини якунлаб, асосий составни аниқлаб олмоқдалар.

Совет Иттифоқи чемпиони Тбилисининг «Динамо» командаси навбатдаги учрашувни Москванинг Марказий армия спорт клуби командаси билан ўтказди. Чемпионлар 4:2 ҳисобида голиб келди.

«Пахтакор» футболчилари эртага Тошкентга келишади. Улар Самарқандда сўнгги ўртоқлик учрашувини Қарағандининг «Шахтер» командаси билан ўтказишдилар. Учрашув 0:0 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. «Политотдел» колхози командаси Свердловскининг «Уралмаш» футболчиларини 1:0 ҳисобида маглубиятга учратди. Бу уларнинг мавсумдаги сўнгги ўртоқлик учрашуви бўлди. Колхоз командаси биринчи наландарь ўйинни 2 апрелда ўз майдонида «Даугава» билан ўтказади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 30 МАРТ 1965 ИИЛ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЛЕНИНЧА ПРИНЦИПИАЛЛИК БИЛАН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА ВАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

СОФИЯ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми, деб ёзади «Работническо дело» газетаси, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, колхозлар ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш соҳасида ленинча принципиаллик ва изчиллик билан бир қанча муҳим тадбирларни белгилаб берди. Мана шу муҳим ва энг зарур чоралар қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга ёрдам беради, деб қайд қилмоқдалар.

ҚОҲИРА

Қоҳира матбуоти КПСС Марказий Комитетининг Москвада бўлиб ўтган пленумига катта эътибор бермоқда. «Алахбор» газетаси «СССР қишлоқ хўжалигидаги аҳволни яхшилашга қаратилган янги йўл» сарлавҳали мақоласида КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг зарур чоралари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Л. И. Брежневнинг пленумда қилган доклади баёнини босиб чиқардилар. Газеталар пленум маъқуллаган тадбирлар совет қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга ёрдам беради, деб қайд қилмоқдалар.

ТОКИО

Япония матбуоти КПСС Марказий Комитети пленумининг иш якунларига катта эътибор бермоқда. Совет Иттифоқи, деб ёзади «Асахи» газетаси, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга эришишни мақсад қилиб олган дадил тадбирларнинг кенг программасини ишлиб чиқди.

«Токио симбун» газетаси Москвадан олиб берган хабарида, пленум томонидан маъқулланган чоралар СССР қишлоқ хўжалигидаги аҳволни тубдан яхшилашга ёрдам беради, деб қайд қилмоқда.

(ТАСС).

Хатарли иғвогарликка чек қўйилсин!

«Вьетнамдан қўлингни торт!» Ўзбекистон пойтахтида ўтказилаётган оммавий митингларнинг қатнашчилари бутун прогрессив инсониятнинг ана шу талабига қўшилмоқдалар.

Гидрометриборлар заводи коллективининг митингида Ватан урушининг қатнашчиси, собиқ танкчи, старший мастер В. С. Михеев нутқ сўзлади.

— Америка империалистлари ўзларини батамом фош қилиб қўйдилар,— деди у. — Улар қилаётган ваҳшатларни эшитганингда даҳшат босади. Ҳатто фашист каллакесарлар ҳам химиявий қуролни ишга солишга журъат этмаган эди. Пентагон буйруғи билан эса, Вьетнам ватанпарварларига қарши заҳарловчи газ ишлатилмоқда ва напалм бомбалар оловида аёллар ва болалар ҳалок бўлмоқда. Агрессорлар жанубда уруш бошлаб, уни шимолга ёйишга ҳаракат қилмоқдалар. Вьетнам Демократик Республикасининг аҳоли яшайдиган пунктларини бомбардимон қилмоқдалар. Бу босқинчилик ҳаракатларига чек қўйиш керак! Узоқ Шарқда урушнинг хавфли ўчоғи ўчирилиши лозим!

Завод фрезерчиси В. С. Фролов агрессорлар қилаётган жиноятларни қаттиқ қоралади.

— Америка империалистларининг Вьетнам халқини тиз чўктиришга барча урунишлари, — деди у, — батамом барбод бўлганлиги ҳар бир ақли расо кишига равшан бўлиб қолди. Океан нариёғидаги мустамлакачилар ўзларининг ана шу ожизликларни тушуниб, тобора қутурмоқдалар. Тинч кишиларнинг қонини бемалол тўкадиган даврлар ўтиб кетди, жаноб миллионерлар. Вазият яна ҳам кескинлашмагунча кетиб қолинглар хатарли иғвогарликни тўхтатинглар!

Митинглар қатнашчилари қабул қилган ўз резолюцияларида Ҳинди-Хитойдаги воқеалар хусусида Совет ҳукуматининг баёнотини якдиллик билан маъқулладилар, Америка ҳарбийларининг Узоқ Шарқда уруш ёнғинини авж олдириш йўлидаги уринишларига қарши қатъий норозилик изҳор қилдилар.

(ЎзТАГ).

САЙЛОВЛАР КЕЧИКТИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 27 март. (ТАСС). ЮПИ агентлиги хабар беради: Боливиянинг ҳукмрон ҳарбий ҳунтаси сентябрь ойида ўтказилмоқчи бўлган президент сайловларини номаълум вақтга кечиктиришга қарор қилди. Боливия қуролли кучларининг бош қўмондони генерал Овандо Кандиа «мамлакатдаги вазият ҳозир кескинлашиб қолди», деб шундай қарорга келганлигини айтди.

АНГЛИЯ ҚЎШИНЛАРИ АДАНГА ЮБОРИЛМОҚДА

ҚОҲИРА, 27 март. (ТАСС). Арабистон ярим оролидаги оккупация қилинган жанубий қисмнинг миллий озод қилиш фронти бу ерда эълон қилган баёнотда айтилишича, англия Мальта* оролидан Адандаги ўзининг 45 минг инглиз ҳарбий хизматчиларига қўшимча қилиб, яна 5 минг солдат юборган. Баёнотда ўқтириб айтилишича, жанубий арабистондаги миллий озодлик ҳаракати қатнашчиларига қарши жазо операцияларини кенгайтириш мақсадида Адандаги инглиз қўшинларининг сони кўпайтирилмоқда.

Ўз қилмишларига яраша жазоландилар

ХАНОЙ, 26 март. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасининг территориясига вақтвақти билан ҳаво ҳужуми қилиб турган Америка калхатлари бугун ўз қилмишларига яраша жазоландилар. Вьетнам халқ армиясининг зенит қисмлари бугун Америка ҳарбий ҳаво кучлари ҳужум қилган Ха-Тинь ва Куанг-Бинь вилоятларида дастлабки маълумотларга қараганда, 16 самолётни уриб туширганлар. Америка агрессорлари Вьетнам Демократик Республикаси территориясига бир ҳужум қилганларида шунчалик кўп самолёт йўқотган эмас эдилар. Шундай қилиб, Вьетнам халқ армиясининг зенит қисмлари уриб туширган Америка самолётларининг сони энди 81 га етди.

СОВЕТ ОЛИМЛАРИНИНГ ҚАҲР ВА ҒАЗАБИ

Совет кишилари Вьетнам халқига қарши газ ва напалм ишлатаётган Америка империалистларининг жиноий ҳаракатларидан ниҳоятда дарғазаб бўлмоқдалар.

ТАСС мухбири фахрий академик Н. Ф. Гамалея номидаги эпидемиология ва микробиология институтининг директори, СССР Медицина Фанлар Академиясининг корреспондент аъзоси О. В. Бароянга мурожаат қилиб, АҚШ қуролли кучларининг қароқчилик ҳаракатлари хусусида ўз фикрини айтиб беришни илтимос қилди.

— Энг инсонпарвар фаннинг вакиллари бўлган биз, совет медик олимлари, деди О. В. Бароян, Америка агрессорларининг ваҳшиёна жабр-зулмига тенг келадиган бошқа жиноятни тасаввур қила олмаймиз. Жанубий Вьетнамнинг ҳимоясиз ва мутлақо бегуноҳ аҳолисини қириб ташлаш учун химиявий моддалар, газлар ва напалмни қўлланиш чинакам ваҳшийликдир. Асримизнинг иккинчи ярмидан фан ютуқларидан болалар ва кексаларни қириш учун фойдаланишга уринаётган газандалар пайдо бўлиб қолди. Тинч аҳолига қарши газлардан фойдаланиш Освенцим, Маутхаузен ва фашистларнинг бошқа ажал лагерларда бўлган даҳшатларни такрорлаш демакдир.

Совет олимлари Вьетнам халқига батамом хайрихоҳдирлар.

Телетайп ЛЕНТАСИДАН

● Марказий Африка Республикасининг пойтахти — Банги шаҳрида ССР билан ана шу республика ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Маориф, таълим-тарбия, фан соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни ривожлантириш кўзда тутилади.

● Сўнгги вақтда Туркияда қизамиқ касали кенг тарқалиб кетди. Совет Қизил Крест ва Қизил Яримой жамияти қизамиққа қарши курашда ёрдам бериш учун Анқарага 5 минг доза гамоглобулин совға қилиб юборди.

● Венада радиоалоқа халқаро маслаҳат комитети радио—эшиттириш ва телевидение тадқиқот комиссияларининг йиғилиши бўлиб ўтмоқда. Йиғилиш ишларида 30 дан ортиқ мамлакатдан келган делегациялар, шу жумладан совет мутахассислари делегацияси қатнашмоқда. Йиғилиш қатнашчилари рангли телевидение, стереофоник радиоэшиттиришнинг халқаро нормалари юзасидан берилган тавсияларни, шунингдек радиоэшиттириш ва телевидение программаларини халқаро айирбошлашга кўмаклашиш масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

● Доминикан республикасининг солдатлари ва полициячилари «Романа» қанд-шакар заводининг иш ташлаган ишчиларига ҳужум қилдилар. Улар ишчиларни аёвсиз калтакладилар ва жуда кўп одамни қамоққа олдилар. Американинг «Сентраль романа карпорейшн» компаниясига қарашли бу заводнинг ишчилари иш ҳақини оширишни ва меҳнатшароитининг ҳуқуқларини ҳурмат қилишни талаб этиб, бир ярим ойдан бери ишга чиқмаётирлар.

● «Ғарб монополиялари халқ контроли остига олинсин» деган шиор ҳозир индонезияда тобора кенг тарқалмоқда. Мамлакатдаги бир қанча касаба союз бирлашмаларининг чақириғига мувофиқ, Индонезия пойтахтининг ишчилари Америкага қарашли «Нейшнл карбон лдт» химия компаниясининг корхоналарини ўз контроли остига олдилар.

● АҚШ атом энергияси комиссиясининг хабар беришича, Невада штатидаги атом полигонида 26 мартда ер остида ядро портлатилди.

● Ўз сафларида 44 минг кишини бирлаштирувчи кон-руда саноати ишчилари касаба союзларининг Бутун Япония Федерацияси ишчиларга қарши эгаллаш билан коллектив бўлиб-музокаралар олиб бориш ҳуқуқи берилиши тўғрисидаги ўз талабларини қувватлаш юзасидан забастовка ўтказди. Забастовкада мамлакатдаги энг катта олтита кон-руда компаниясининг ишчилари қатнашди.

(ТАСС).

САҲНАДА
Аркадий Райкин



Ўткир ҳажв ва ҳазиллар устаси Аркадий Исаакович Райкининг келишини тошкентлик томошабинлар орзиқиб кутишган эди. Шу кунларда Свердлов номли концерт залида бўлаётган учрашувларда талантли комик артистнинг маҳоратига ҳамма тан бермоқда. Унинг ҳаётимиздаги айрим иллатларни зўр маҳорат билан танқид қилувчи номерлари томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда. Суратда: РСФСР халқ артисти Аркадий Райкин номерларидан айрим кўринишлар.

А. Абалян фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

30 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — Каникул кунларида. **Сахалинда уч кун** (телеочерк).

Рус тилида: 12.30 — **Янги Гулливер** (бадиий фильм). 18.00 — **Звездочка** тележурнали, 18.45 — **Телевизион янгиликлар**, 19.00 — **Рассом Р. Акбалян.**

Ўзбек тилида: 19.30 — **Балет кечаси**, 20.10 — **Телевизион янгиликлар**, 20.25 — **Она мадҳияси** («Ёшлик» студияси).

21.05 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 21.10 — А. С. Аренский **Рафаэль** операси (Тошкент телестудияси постановкаси). 21.45 — **Генерал қани?** (кинокомедия).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/III да кундуз **Доктор Айболит**, кечқуруи **Аида**, 31/III да кундуз **Франческа Да Римини, Соялар, Балеро**, кечқуруи **Гулсара.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/III да **Хатарли йўл.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/III да Ёшликда берган кўнгил.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 30, 31/III кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида 31 мартгача **Катта цирк томошалари.** Москва давлат циркининг қизиқчи артистлари иштирокида **«Хазилни мўйинг»** томошаси ва бошқа номерлар.

КИНО

Можаро — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА», «МОСКВА», «СПУТНИК», (кундуз ва кечқуруи).

Хиросима тошлари — НАВОИЙ НОМЛИ (кеч соат 6.40 минутдан).

Конёк-Горбунок — «МОСКВА» (эрталаб 10 да).

Аёзбобо — НАВОИЙ НОМЛИ (эрталаб 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 да).

Горькийнинг болалик чоғи — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11 да).

Мен — Куба! (1 ва 2-серия) — «СПУТНИК» (кеч соат 9 да).

«ЎЗЭНЕРГОСБИТ»
ЭЛЕКТР УЧУН
счёт ёзиш ўзларига топширилган абонентларга таклиф қиладики,
ҳар ойнинг 1-кунидан 11-кунигача счёт ёзиб,
ЭЛЕКТР ҲАҚИНИ
Госбанкнинг кирим омонат кассаларига тўласинлар.
Утган вақт учун
ҚАРЗЛАРИ
БЎЛГАН АБОНЕНТЛАР
тезлан тўлашлари лозим.
Счётлар ўз вақтида тўланмаса, электр огоҳлантирилмасдан узиб қўйилади.

«Ташсантехгазмонтаж» трестининг
2-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА
сантехнина слесарлари, газосварчилар, мастерлар ва прораблар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-19, Радиальный проезд, 12-уй (2, 6-троллейбус, 10-трамвай, 8, 9, 10, 11, 14, 49, 61-автобуснинг «Ишчилар шаҳарчаси» остановкаси).

«Главташкентстрой»нинг
153-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА
ғишт терувчилар, бетончилар, бўёқчилар
КЕРАК
Тошкент шаҳар, Чилонзор массивида шу қурилиш трестининг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (3, 6, 14, 23, 24, 27-автобус, 7, 9-троллейбуснинг «Қурилиш трести», 9, 11-трамвайнинг «Чилонзор» остановкаси).

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва меҳнаткашлар депутатлари область Советининг ижроия комитети
Хидирали Эргашевич ЭРГАШЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети коллективлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. А. Асомовга онаси
Башорат
ЖАЛОЛОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 03720.
Индекс — 64969.
Нашр. № 1729.